

# ТЕРИМДА СУРЪАТГА-СУРЪАТ КЎШАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

## ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

№ 191 (3419). | Жума, 30 сентябрь 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

### СССР ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ИККИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни, журналистлар иккинчи Бутуниттифоқ съездининг делегатларини, матбуот, радио ва телевиденининг барча ходимларини кизгин табриқлайди ва сизнинг фахрли ҳамда масъулиятли ишингизда янгида-янги муваффақиятларга эришувингизни тилайди.

СССР журналистлари съезди совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга ошириш соҳасидаги улкан ишларни қизитиб юборган ажойиб бир вақтда бўлади. Совет кишилари коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар улуг байрамни — Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олишга қатъий бел боғладилар, мамлакат иқтисодик ҳаётида янгида ривожлантириш, унинг қудратини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

КПСС XXIII съездининг қарорларини моҳирлик билан ва кенг пропаганда қилиш, факт ва ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур билиб, иқтисодик проблемаларини, илмий техника тараққиёти ва маданий ташаббусларини кенг тарқатиш, илмий ривожда ертиш, илгор таъриб ва намуналар билан кишиларни иқтисодий, маданий ва маънавий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, салбий ҳодиса ва камчиликларни кескин танқид қилиш, коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар учун актив кураш олиб бориш — совет журналистларининг юксак бурчи.

Советлар мамлакатининг коммунистик партия раҳбарлигида босиб ўтган ҳар бир йилнинг жаҳоншумулархон аҳамиятини тўла оқиб бериш, Ватанимизнинг марксизм-ленинизм улуг идеялари байроғи остида тараққиёт ва куч-қудратининг қандай қўйқиларига эришганини кўрсатиб бериш, ёш авлоднинг ерқин публицистик сўз билан халқнинг шонли революцион, меҳнат ва жанговар традицияларини руҳда тарбиялаш — матбуот, радио ва телевидение ходимларининг энг юксак вазифаларидан биридир.

Меҳнаткашларни юксак коммунистик онглини, совет ватанпарварлигини руҳда, мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлиги ва пролетар интернационализми руҳида ғойий-сиёсий тарбиялаш — совет матбуоти, радио ва телевиденининг энг биринчи вазифасидир. Совет кишиларида социалистик гражданлик, ушшоқлик ва интизом, тежамкорлик туйғуларини, умумхалқ бойлигини қўлайлаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, социалистик жамиятда яшаш қоидаларини астойдил ҳурмат қилиш туйғуларини доим ўстириш зарур. Коммунизм қураётган совет кишиларининг буюк ишларини, ахлоқий юксалиш ва оқибатда интиқиларини кўрсатиб бериш—журналистларнинг фахрли вазифасидир. Совет матбуоти социалистик мамлакатларнинг, бутун дунё меҳнаткашларининг қардошларча иттифоқини, уларнинг империалистлар томонидан халқларнинг асоратга солиниши ва эзилишига қарши, тинчлик, демократия, социализм ва коммунизм учун курашдаги жиқлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

Бизнинг матбуотимиз империализмнинг халққа қарши реакцион моҳиятини, Вьетнамда уруш бошлаган ва халқларнинг ўз озодлигини, миллий мустақиллиги ҳамда социал тараққиёт учун олиб бораётган ҳаққоний қурулшини бостиришга интилаётган АҚШ ҳуқуқдорларининг авантюристики сиёсатини фош қилишда муҳим роль ўйнайди. Матбуот, радио ва телевидение буржуа идеологиясига қарши актив кураш олиб бормоғи керак. Империалистик идеология ва сиёсатга қарши кураш — социализм ва коммунизм позицияларини мустаҳкамлаш учун курашдир, ер юзидagi барча прогрессив нарсалар учун курашдир.

Коммунистик партия матбуотининг, радио ва телевиденининг совет жамияти ҳаётидаги аҳамиятига юксак баҳо беради, уларни коллектив пропагандист ва агитатор деб, омманинг ташкилотчиси деб, умумхалқ ижтимоий фикрининг минибери деб ҳисоблайди. Совет журналистлари партия томонидан қўйилган вазифаларни шараф билан бажармоқдалар ва улар ўз меҳнатлари тўғрисида халқнинг иззат ва ҳурматиға сазовор бўлидилар.

Бизнинг мамлакатимизда Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлган журналист деган ном—фахрли номдир. Аммо бу ном кўп вазифаларни ҳам юқлайди. Бу номга муносиб иш қилиш, ҳозирги сиёсий ва илмий билимларни пухта билиб олиш, ўзининг профессионал маҳоратини ошириш, газетхонлар, эшитувчилар, томошбинлар билан алоқа боғлашнинг янги формаларини қидириб топиш ва доим тақомиллаштириш — ҳар бир журналистнинг, радио ва телевидениеда ишловчи ҳар бир ходимнинг бурчидир.

Юксак ғойийлик, ростгўйлик, изчиллик ва принципаллик — совет журналистларига ҳос хусусиятлар. Меҳнаткашлар кенг омма си билан мустаҳкам алоқада бўлиш, миллионларча ишчи ва кишлоқ муҳбирларига таъиниб иш қилиш, ҳар бир мақола, хабарнинг таъсирчанлигини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш — матбуотимиз, радиомиз ва телевиденимизнинг муваффақиятини ишлаши учун ғаровидир. Дедабабозлик ва шовқин-суронлар, сохта пафос камкор бўлиш, ишчанлик кўпроқ бўлиш, кишига, унинг меҳнатига, меҳнатига эҳтиётчилик ва талабларига кўпроқ эътибор қилиш, токи совет кишилари ҳар бир журналистини умумреволюцион ишмизнинг манфаатларига ҳар нарсадан афзал кўрадиган салими ва дилкаш ҳамоҳуш, ваэмин ва оқилона меҳнатчи, яхши иният ва талабдан дўст деб билинлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети матбуот, радио ва телевидение ходимлари партия журналистиксининг ленинча принципларига бундан бундан ҳам тинмай амал қилдилар, ўларнинг бутун куч-ғайратларини улуг Ватанимизнинг янги муваффақиятлари учун, коммунизм тантанаси учун курашга сарф қилдилар, деб ишонамиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК  
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Ҳозирги кунларда пахта далаларида чинакамига жавлон урадиган давр келди. Ҳар куни 4—4,5 процентдан ва ундан ҳам ошириб пахта тайёрлаш учун курашайлик. Янгийул, Калинин районлари пахтакорлари илғорларга тенглашишга ҳаракат қилмоқлари керак. „Оқ олтин“ далаларида „зангори кема“лар бетўхтов ва унумли ишлатилсин!

### ҚИШЛОВГА

#### ТАЙЁРЛАНИНГ

Қишлоқларимизда долларб қулар давом этмоқда. Қўни-қўни тутиқ келган саҳий куз дала меҳнаткашларини шомириб қўйди. Аззамат пахтакорлар элимиз бойлиги, шон-шўхратини „оқ олтин“ фронтда жавлон урмоқдалар. Миринкор сабзавотчилар эса дастурхонимиз но-еъматини бўлиш сабаботи маҳсулотларини тезроқ интиб-териб олиш ҳаракатида. Юрт тўқилгани қўлаган чордор бўлди мўл-кўл озуқа базасини яратин. Фермаларини қишлоғга тахт қилиб қўйиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленуми ҳамда Ўзбекистон Марказий Комитетининг IV пленуми қарорларидан руҳланиб областимиз чорвадорлари ғайрат камарини маҳкам боғлаб, қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантириш, айниқса энгилдадан зарар кўрган шахарлик биродарларини мўл-кўл чорва маҳсулотлари билан таъминлаш учун фидокорона курашмоқдалар.

Улар эрта баҳор, ёз бўлиб чорва тугейин қўлайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Гушт, сўт, туҳум ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш павларининг бажарилиши дуруст. Областимизда гушт тайёрлаш илалик плани 70 сут 64 процентдан ошди. Энди ана шу муваффақиятларини мустаҳкамлаш, партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни янада ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш ҳақидаги қарорларини изчиллик билан амалга оширишнинг керак. Бунинг учун аввало етарли миқдорда озуқа база ҳозирлашимиз, чорва қишлоғига фермаларини тахт қилиб қўймоғимиз лозим.

Бу илчил оқ-баҳо чорвадорлар учун айниқса нузал келди. Областимизнинг босқич қишлоқларида, даялоқларида табиий ўт сароб бўлди. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланган миришкор чорвадорларимиз бир ярим-икки йилга етарли хашак тайёрлаб қўйишди.

Аммо, чорва қишлоғининг муваффақиятини ўтказиш, қиш бўлиб мўл-кўл маҳсулот олиш учун биргина хашакнинг ўзи билан иш битмайди. Тўйимли озуқа мажмаъхўрчи силоси, ем, лавлажи ва бошқа озуқабоп маҳсулотларини мўл-кўл тайёрлашимиз зарур. Областимизда силос бостириш плани ҳали тўлиқ бажарилмаган йўқ. Утган йили шу кунга қадар 350 минг тонна силос тайёр ошди. Бу йил эса 320 минг тонна силос бостирилади.

Мақкажхори етиштириш, ун вақтида ўриб-интиб, силос бостириш планини бажаришда ўтган йилгига нисбатан қариб 10 процент орқадимиз. Бу соҳада Орқонқидзе, Калинин, Ўрта Чирчиқ районларидagi хўжаликлар айниқса сўтқашлик қилмоқдалар.

Чорва қишлоғининг муваффақиятини ўтиш кўп жихатдан молхоналар, отарлар, фермадаги биноларнинг ўз вақтида ремонтдан чиқарилиб, қишга тахт қилиб қўйилиши, ангилавларни тез суратлар билан қуриб битказишга боғлиқ. Шу билан бирга, бу биноларни ҳозирги замон техника ускуналар билан жиҳозлаш, автопоилкалар, сўт соғиш агрегатларини ўрнатиб билишнинг таддаги вазифадир. Лекин қатор хўжаликларда бунинг учун имкониятлар бўлатуриб, ун тўла ишга солинмастир.

Бу йил тайёрланган озуқа базаси чорва молларининг келгуси йил маҳсулдорлигини оширишда катта оминдир. Ишнинг шундай ташкил этилиши, ҳар бир хўжалиқнинг фермасида чорва тугей учун етарли миқдорда ем-хашак жамғарилаган бўлиши.

Жамоат чорвачилигини тобора ривожлантириб, она-Ватанга, эл дастурхонига секин-сўтки, сержаймоқ сўт ва бошқа чорва маҳсулотларини қўлаб етказиб берайлик.

### ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ МЕХАНИЗА- ТОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Бу йил район колхозлари пахта далаларида 90 дан ортиқ „зангори кема“ бетўхтов жавлон уради. Юқори чирчиқликлар ҳам эндиликда терим машиналари дан унумли фойдаланиб, унга мислос кўйиб, ажойиб меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Кейинги кунларда район пахтакорлари суръат остида каттиқроқ қамчи босдилар. Қабул пунктларига кунига 4,5 процент, ҳатто ундан ҳам ошириб „оқ олтин“ жўнатмоқдалар. Улар кундалик кўрсаткич бўйича ҳозир қўшни районлардан олдинда боришмоқда. Ана шундай ютуқларнинг босиб, эришилган муваффақиятларининг қалити азамат меҳнаткашларининг меҳнат билан, катта жасорат билан билиш, кундан-кунга кўпроқ „оқ олтин“ тўлаётганликларидир!

Кунин кеча Юқори Чирчиқ пахта далаларидан кўнгалларини хўш-ўш этувчи хўшбаҳр келди. Районнинг марду-майдо „зангори кема“ капитанлари машина терим планини муддатидан илгари ортиқ билан адо этганиликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдилар. 3 минг тоннадан ортиқ „оқ олтин“ бункерлардан тўкиди.

Бутун райондаги „Ўзбекистон“ колхозини меҳнаткашларининг ноилари ҳурмат-эҳтиром билан тилга олиномоқда. Район бўла машина терими юзасидан берилган топириқнинг—ортиқ билан бажарилишида ана шу колхоз меҳнаткорлари жуда катта ҳисса қўшдилар. Бу колхозда планда белгиланган 400 тонна ўринга 716 тонна пахта машиналар-

да териб олинди. Меҳнаткаш-ҳайдовчилардан ўртоқ Қидирбой Мавлонов район бўйича рекорд қўйди. Пахта майдонларидан жасорат намуналарини кўрсатётган ўртоқ Мавлонов „зангори кема“ мислос бункеридан эл хирмонига 120 тонна „оқ олтин“ тўқди. Унинг касбдошлари Абдуқошим Ўрлов, Пак Владимир ўртоқлар ҳам жуда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Райондаги „Политотдел“, „Ленинскии путь“, Свердлов ноил колхозларининг меҳнаткаш-ҳайдовчилари эришган ютуқлар ҳам мақтовга лойиқ. Свердлов ноил колхозда машинада терилган пахта микдори минг тоннадан ошиб кетди.

Ақбар Юнусов, Ен Антон, Ким Андрей, Турғун Турсунов, Абдурашид Зиёев, Пак Владимир—булар Юқори Чирчиқ пахтакорларининг қишган тоғлари, мададорларини ўларнинг ҳар бири шу кечакундузда ўз агрегатлар билан 4—5 тоннадан пахта термоқдалар, деҳқонларнинг оғирини енгил қилиб, хирмонга тобора барака киритмоқдалар.

Юқори Чирчиқ райони азамат меҳнаткаш-ҳайдовчилари даладаги ҳосилнинг мўғини ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари яна 2 минг тонна „оқ олтинни“ „зангори кема“лар бункеридан тўкишга қарор қилдилар. Улар ана шу аҳдларнинг урдасидан чиқиб учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Машина теримда жасорат кўрсатётган Юқори Чирчиқ райони меҳнаткаш-ҳайдовчиларига офарин!

### «ЛЕНИНГРАД» КОЛХОЗИ ПЛАНИ БАЖАРДИ

Ингим-терим бошланг арафасида колхоз аъзолари йилгиллаш, йиллик плани 30 сентябрда бажаришга қарор қилган эдилар. Ана шу аҳднинг урдасидан чиқиб учун барча звено ва бригадаларда астойдил бел боғлаб кураш бошланди. Деҳқонлар бу йил ҳам ҳар йилгидек машина теримига катта эътибор бердилар. Ҳар тарафлама пухта тайёрларик қўйилганини, унумли меҳнат қилишлари учун меҳнаткаш-ҳайдовчиларга қўлай шартлар яратиб берилганини сабабли дастлабки кунлардаги ҳосилни ёнги-сонинга қолдириш эртароқ йилгил-териб олиш чораларини кўрдилар. Тадбиркорлик билан, ғайратчилик билан олиб борилган кураш мана энди ўзининг самарали натижаларини кўрсатиб турибди.

„Ленинград“ колхозининг азамат пахтакорлари меҳнаткаш-ҳай-

да звено бошлиқларидан Югай Валентин, Югай Анатолий, Нан Петр ўртоқлар бошқаларга ўрнэк кўрсатдилар. Гектаридан олинган ҳосилдорликни ўтган йилгига қараганда ҳозирнинг ўзи-деҳқ 3—4 центнерга қўлайтирган бу звено бошлиқлари ўз „зангори кема“лари бункерларидан 70—80 тоннага етказиб „оқ олтин“ тўқдилар.

Колхознинг каттадан-кичиги бир жону-бир тан бўлиб, бир ақадан бош чиқариб астойдил меҳнат қилиди. Ёз бўлиб пешона тери тўкиб, етиштирилган ҳосилни ёнги-сонинга қолдириш эртароқ йилгил-териб олиш чораларини кўрдилар. Тадбиркорлик билан, ғайратчилик билан олиб борилган кураш мана энди ўзининг самарали натижаларини кўрсатиб турибди.

„Ленинград“ колхозининг азамат пахтакорлари меҳнаткаш-ҳай-

довчилари йиллик плани илгари айтилган 30 сентябрда эмас, 28 сентябрда — бор-йўғи 17 иш кунига шараф билан бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Эл хирмонига пландаги 1050 ўринга 1100 тонна „оқ олтин“ тўқилди.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари давлатга яна 280 тонна пахта топиришга аҳд қилдилар. Гектаридан олинган ҳосилнинг колхоз бўйича 25,3 центнердага етказиш учун қизгин кураш давом этаётти.

Областада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини ортиқ билан бажарганликлари тўғрисидаги ғалаба рапортига имзо чеккан Оққўртон районидagi „Ленинград“ колхозининг фидокор деҳқонларига, қаҳрамон меҳнаткорларига минг раҳмат!

### СОВЕТ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

МОСКВА, 28 сентябрь. (ТАСС муҳбири). Кремль театрида совет журналистларининг иккинчи Бутуниттифоқ съезди очилди.

Бу ўзига ҳос летучкага барча иттифоқчи республикалардаги газеталар, Телеграф агентликлари, журналлар, радио ва телевидение, нашриётларнинг вакиллари тўпланишди. Улар КПСС XXIII съезди қарорлари асосида совет журналистларининг вазифаларини муҳокама қилишди.

Меҳмонлар орасида халқаро журналистлар ташкилотининг вакиллари, шунингдек бир қанча

чет эл мамлакатларидан келган вакиллар ҳам бор.

П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, Б. Н. Пономарев ўртоқлар президиумда пайдо бўлганларида бу ерда ҳозир бўлган кишилар уларини самимий кутиб олдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар съездининг раҳбар органлари—президиум, секретариат, редакция ва мандат комиссияларини сайладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

КПСС Марказий Комитети, Сиёсий Бюроси аълолигига кандидат,

КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев КПСС Марказий Комитетининг СССР журналистлари иккинчи Бутуниттифоқ съезидиға йўлаган мактубини ўқиб берганида, залда гулдурос қарсақлар эшитилди.

СССР Журналистлар союзи правлениеси раиси вазифасини иккун этувчи Д. П. Горюнов СССР Журналистлар союзи правлениесининг иши ва КПСС XXIII съезди қарорлари асосида совет журналистларининг вазифалари тўғрисида ҳисобот докладыни қилди.

(Докладнинг баёни газетанинг 3-саҳифасида босилди).

### ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚА ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

Қадри ўртоқлари! Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти иккинчи республика конференцияси делегатларини ва сизлар орали республикалардаги ана шу йирини жамоат ташкилотининг кўп миқ мишдан иборат антиваларини кизгин табриқлайди.

Жамиятининг конференцияси коммунистик қурилиш пафоси билан алоқаланган бутун совет халқи беш йиллик план топириқларини муддатидан илгари бажаришга, Улуг Октябрь социалистик революциясининг оинли 50 йиллиги юбилейини, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг устуни ва дўсти в. и. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга астойдил интилаётган кунларда ўтказилмоқда. Ўзбеки-

стон дўстлик жамиятининг ҳисобот даладаги бутун фаолияти чет мамлакатлар билан дўстона ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга, Ўзбекистонда Совет халқининг йиллариди рўй берган буюк узагирлар тўғрисидаги, ленинча илмий сиёсатнинг тантанаси тўғрисидаги қамқатини чет элларда ёйишга қаратилди. Жамият ишга киришган пайтда 37 чет мамлакат билан алоқа боғлаган бўлса, ҳозирги пайтда жаҳоннинг беш қитъасидаги 96 мамлакат илолатчилиги билан дўстона алоқа урнатди.

Жамият бақаратган ишлар Совет давлатининг ташкил сиёсат соҳасида белгиланган ва КПСС тарихий XXIII съездининг резолюциясига энгилган асосий мақсадга эришиш учун, шубҳасиз, ёрдам беради. Бу асосий мақсад — бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда социализм ва коммунизм нуриш учун халқаро майдонда нузал шарт-шаронлар, вунудга

келтирилишини таъминлашдан иборат. Ўзбекистон жамияти социализмни ҳамдўстликдаги мамлакатлар халқларининг маданий ҳамкорлиги ва алоқасини доим ривожлантириш ишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон дўстлик жамияти иккинчи республика конференциясининг самарали ишларини тилайди ва қатъий ишонч билдирадики, жамиятининг активлари халқлар ўртасида тинч ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлигини, маданий алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ишига, тинчлик ва халқлар ҳамфисиллигини мустаҳкамлаш ишига бундан бундан куч-ғайратларини сарф қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Юқори Чирчиқ районидagi „Политотдел“ колхозини аъзолари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш борасида катта ишлар қилишди. Тўрт ярим минг тонна „оқ олтин“ топириқ мажбуриятини олишган. Шу кунгача 2 мингтоннага яқин пахта давлат хирмонига топирилди. Шу ҳосилнинг 60 проценти „зангори кема“ларда териб олинди. Суратда: колхознинг 17-бригадасида машина терими пайтини қўриб турибсиз.



323.000 ТОННА ТОШКЕНТ  
пахтаси учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ  
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 29 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планта нисбатан процент ҳисобида)

| Районлар       | Бир кунда<br>терилган | Мансум<br>бўлибди | Бир кунда<br>машинада<br>терилган | Мансум<br>бўлибди |
|----------------|-----------------------|-------------------|-----------------------------------|-------------------|
| Оққўртон       | 3,93                  | 63,84             | 4,56                              | 75,30             |
| Юқори Чирчиқ   | 4,30                  | 58,21             | 11,67                             | 111,43            |
| Ўрта Чирчиқ    | 3,69                  | 57,49             | 4,56                              | 63,54             |
| Орқонқидзе     | 4,41                  | 54,76             | 6,10                              | 51,30             |
| Бўка           | 4,08                  | 53,92             | 5,21                              | 66,88             |
| Бекобод        | 3,61                  | 49,48             | 4,29                              | 51,30             |
| Калинин        | 3,92                  | 49,08             | 4,50                              | 37,25             |
| Янгийул        | 3,51                  | 46,48             | 4,56                              | 47,25             |
| Область бўйича | 3,79                  | 54,68             | 4,83                              | 63,97             |



# КАМЧИЛИКЛАРНИ ЧЕТЛАБ

Хисобот доклади тугади. Партия бюросининг секретари ўртоқ Н. Стромов президиумдаги жойига бориб ўтирди. Рангилар қўлуви мажлис аҳлига мурожаат қилди:

— Докладчида қандай қандай саволлар бор? Коммунистлар бир-бирларига қараб қўйишди.

Ранг яна сўзлади:

— Саволлар бўлмаса, ним сўзламоқчи?

Мажлис аҳли яна жим. Гап шунданки, коммунистлар партия бюросининг хисобот докладидан қониқиб қолмади.

Тошкент темир йўл бўлимида ҳисобот даврида талайгина камчиликлар содир бўлди. Юк ортиш пани бўлими бўйича бажариш келмоқда. Биринчи ярим йилда ишда 125 бракка йўл қўйилди. Тошкент-Товар, Раҳимов, Қизил туқмачи ва бошқа станциялардан юкларни ташиб кетиш қонқарсиз аҳволда. Негатив, Тошкент эланилиси бу пунктларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди, ҳужаликни маълум даражада издан чиқарди.

риб қўйди. Бироқ бўлими маъмурияти, партия ташкилоти энди оқибатларини тугатиш бўйича оператив тадбирлар белгиланди. Оқибатда ҳамон станциялар ишида қийинчилик содир бўлмади.

Партибюро секретари ўз ҳисобот докладидида ана шундай камчиликларни четлаб ўтди. Бўлими бошлиғи ўртоқ Бахондин сўзга чиқиб, ишлаб чиқаришдаги апа шу камчиликларни бартараф этиш юзасидан қилинган ишлар ҳақида йилгилиш қатъийликлари гапириб беришнинг қийинчилиги кутган эди. Бошқик музокарада сўзга чиқди-ку, бироқ коммунистлар дилидаги гапларга тўхталмади.

Хисобот докладига қараганда музокарада қатнашган нотиқларнинг сўзлари эътиборга лойиқ бўлди. Улар партия бюроси фаолиятида, бўлими ишида ҳисобот даврида йўл қўйилган камчиликларни несикин танқид қилдилар. Диспетчер ўртоқ Дабенконинг сўзларини коммунистлар қизгин кутиб олдилар.

## ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ХИСОБОТ-САЛВО ИҲТИСОБИ

— Бўлими раҳбарлари, — деди нотиқ, — станцияларда тез-тез бўлиб туришлари, жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан танишмоқлари, яқиндан ёрдам кўрсатишлари керак. Улар қўлнинг кабинетдан туриб, иш бошқаришга ҳаракат қилишмоқда. Ҳамма станциясида аҳвол чатоқлашиб қолди. Юкларни туширишга улгуролмай қолди.

Бўлимида кадрлар билан ишлаш ҳам қўйиладиган деб бўлмайди. Ҳозирги вақтда кўпалаб бош кондуктор етишмайпти. Шундай қилин пайтда лъвовликлар таърибасини қўллансан бўлмайди? Чунки Львов темир йўл бўлимида алақачонлар бош кондукторсиз ишлашга ўтилган. Партия бюроси бу масалага ҳам эътибор қилмай келмоқда.

Шундан кейин молия бўлимининг нотиқлари ўртоқ Икромов сўз олади:

— Қўшнли дўғиримизда, — деди ўртоқ Икромов, — улкан Ўзбекистон пахта хирмони учун қизгин кураш борапти. Барча шахарликлар қатори биз, темирйўлчилар ҳам пахтакорларга қўлдан келган ёрдамимизни аямаслигимиз керак. Докладчи ана шундай муҳим масалага тўхталгани йўқ. Умумхалқ курашидан ҳеч ким четда қолмаслиги зарур.

Пенсионер ўртоқ Дубинская комсомол ташкилотининг фаолиятидаги камчиликлар ҳақида гапирди. Бўлимида ёшлар кўп. Аммо улар орасида олиб борилаётган оммавий-ташқилий ишлар талабга жавоб бермайди. Партия бюроси комсомоллар ўртасида ишлашни яхшилаш тадбирларини белгиланмапти.

Касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Муседемис партия маорифи тўғрисидаги иш ҳақида тўхталди. Утган ўқув йилида

кўпчилик тўғрисида яхши ишларди. Тингловчилар машғулотларга мўтаазам қатнашиб турдилар. Ўртоқ Левиния пропагандаистлик қилган «Коммунистик тарбия проблемаси» назарий семинарининг машғулоти аниқ, юксак гоийий савияда ўтди.

Темир йўл бўлимида стрелкачи, кондуктор, станция навбатчиси сингари турли ихтисосликлар бўйича 200 дан ортиқ киши етишмапти. Ҳа демай киши кириб келади. Кейин ишлаш янада қийинлашади. Партия бюроси ва бўлими маъмурияти кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масаласи билан жиддий шуғулланишлари лозим. Пенсиялар ҳаракати ҳафсизлиги бўйича штатсиз инспектор ўртоқ Шмарин шуларни таъкидлаб ўтди.

Шунингдек музокарада инженерлардан Кропачев, Татарский, Ленин район партия комитетининг инспектори Обидов ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Хисобот сайлов йилгилиш қарорида тилга олинган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Йилгилиш бўлими партия бюросининг янги составини сайлади.

А. ПАШКОВА, шахсий пенсионер.

## СЕРКУШ Республикамизда

ҲАР ГЕКТАРИДАН 60 ЦЕНТЕР УЧУН

ШОВЕТ (Хоразм области), [ЎзТАГ]. Шовет районидagi «Шовет» колхозининг Юсуф Эрматов бошлик комплекс механизациялаган бригадаси Хоразм областида биринчи бўлиб махсус рапортин берди. Пахта таърибаш йилгилиш лавинини бажарган бу бригада ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олди. Меҳнат хайратчилардан Б. Тўлєв, Р. Бобоқов, Р. Қўрбонєв, Б. Уринов ва А. Олматовлар бош иш кўнгда машина билан пахта териш мавсуми тошйиринги бажариш кўнгда.

Бу илгор бригадининг аъзолари ҳар гектар ердан 60 центнердан «оқ опти» териб, давлатга сотиш мажбуриятини олдлар.

### ШУРВА КОНСЕРВАСИ

Республика консервчилари тайёрлаётган хилма-хил махсулот қаторига «шурва» консерваси қўшилди.

Консерва қилиш технологиясини самарқандликлар ишлаб чиққан бу твом СССР озиқ-овқат соҳати министрига дегустация комиссиясининг юксак баҳосини олди ва халқ хўжалиги ютуқларини ташвишланган экспонатлари қаторига қўшилди.

Консервчилар янги зангисаб ва мазали таом—«Батор» сальтени, олча ва олтуру эти билан шарбатини ҳам тайёрладилар.

Консервчилар 1967—йилида Ўзбекистон ва бошқа қардош республикаларнинг меҳнаткешлари дастурхонига қариб 200 тил махсулотини ўз ичига оладиган хилма-хил таомлар тухфа қилдилар. Тавдид этиладиган ана шу таомларнинг ҳар бири юбилейга бағишлаб қиройли қилиб безатиладиган бўлади. [ЎзТАГ].

### ҚУҚОН ШОФЕРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ҚУҚОН [ЎзТАГ]. Шаҳардаги 20-автобаз шиферлари етти йиллик бошлангичдан бери ўтган йилнинг шу давридаги қараганда халқ хўжалик юкларини 150 минг тонна ортиқ ташиб беришди. Автомобилчилар коллективни планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига Фаргона водисидagi автомобил хўжаликларига расида бундан уч ой муқаддам биринчи бўлиб ўтганлиги эришган муваффақиятининг асоси бўлди. Қўқонликлар шу усулда ишлаб ҳозиргача 200 минг сўдан ортиқ фойда олмишди. Шофёрлар билан ремонтчиларнинг иш ҳақи 14 процент ошди.

Базда автомобилларнинг ремонт қилиш янгилаш ташкил этилди. Кечя-кундуз техникавий хизмат қўлга қўйилди. Шу тўғрисида автомобиль паркидан фойдаланиш коэффицентини яхшилатиш йил охирига планлаштирилган даражага етиб олмишди.

### МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Фаргона. [ЎзТАГ]. Шимолги Сў нефть конининг коллективни Октябрь олдги мусобақасида юксак натижаларга эришди—пландан ташқари нефть чиқариш соҳасида беш йилнинг биринчи йили тошйиринги бажарилиди. Меҳнатнинг прогрессив методлари қонда нег қўланда фойдаланилганлиги бу муваффақиятга эришишга кўмаклашди. Йил охиригача қолган вақт ичиди нефтьчилар планга қўшимча суратда ана юзлаб тонна суяқ ёқилғи қазиб чиқаришга қарор бердилар.

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА «БАҲОР»

НУКУС. [ЎзТАГ]. «БАҲОР» ансамбли Қорақалпоғистонга 20 тдан ортиқ янги раис келтирди. Рақислар Чимбой, Ташкент, Нукус меҳнатчиларини ўзларининг ёрки санатларидан баҳраманд қилдилар. Энди улар Хўжайли, Тўрткўл, қоллоқларида, Ташкент кўрувчилари кузурда томошалар кўрсатишди.

### «ВОСТОК» БИРИНЧИ БУЛИБ РАПОРТ БЕРДИ

АНДИЖОН. [ЎзТАГ]. Марказий Фарғонадаги Анжикўл массивида жойлашган «Восток» совхозда пахта териш йилиги планини муқаддидан олдин бажарилганини тўғрисида Фарғона водисиди биринчи бўлиб рапорт берди. Шу хўжаликдаги меҳнаткешлар комсомол Муродали Юсупов юз тонна биринчи ва пахта терди, унинг ўртоғи, меҳнат мактаб ўқувчиси Исроил Пулатов эса, машинада пахта теришда мавсум тошйирининг янча ошириб бажарди. Совхоз даладарига етиштирилган ҳосилнинг ўндан саккиз қисми машинада терилмоқда. Меҳнаткорлар машиналарнинг бун кепларидан уларга қўшимча равишда ана беш юз тонна пахта териб беришга аҳд қилдилар.

### ШИОРИМИЗ—ДУСТАЛИК

Чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамятининг иккинчи республика конференцияси бўлиб ўтди.

Жамият правлениеси президиумининг раиси Х. С. Шукрўва хисобот доклади қилди. Жамиятнинг кўп қиррали иш ҳақида жамият ревизия комиссиясининг аъзоси Х. Худойбердиев гапириб берди.

Делегатлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг конференцияга йўллаган табриномасини қарсақлар билан қутиб олдилар. Табрикомани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов ўқиб берди.

Конференцияда чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамятларини Союзининг бўлим мудирини Г. Г. Ефимов, Африка халқлари билан Ўзбекистон дўстлик жамяти

нинг раиси М. Г. Пикунин, республика Фанлар академияси Шаришунослик институтининг директори С. О. Азимқонова ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлимининг мудирини Р. К. Шонгматов ўз нутқида жамятининг амалий вазифалари ҳақида тапирди.

Конференцияда жамиятнинг Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, правление ва ревизия комиссиясининг янги состави сайланди. Шунингдек Чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамятларини Союзининг Бутунитифоқ иккинчи конференциясига делегатлар сайланди.

Правление ўзининг ташкилий мажлисида президиум сайлади. Президиум раиси қилиб Х. С. Шукрўва сайланди. [ЎзТАГ].

# БУГУН ЧИРЧИҚ ЖИЛОВЛАНАДИ



## БОСИЛМАГАН ХАТЛАРНИНГ НАТИЖАСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

### ЧОРА КЎРИЛДИ

«Октябрь» район ошхоналар трестига қарашли 20-ошхона хўрандаларга яхши хизмат кўрсатмапти. Овқатларнинг тури кам, мазза-матрасасиз тайёрланапти. Бунинг устига овқатлар қиммат. Масалан, бир стакан компот 9 тиини сотилапти. Ваҳоланки, унда икки донга олча, бир паррак олма сўзиб юради. Жарқанда эса уч бўлак картошка билан бир бўлак суяк, ярим чўпик шўрва, холос. Шунга 45 тиини тўлаш керак. Тайёрланаётган бошқа овқатларнинг ҳам сифати шунанча. Ошхона ичи ва атрофи йўлос, ходимлари санитария-гигиена қондаларига риоя қилинмапти. Ошхоналар трестининг бу аҳволдан хабар беришми?»

Меҳнаткашлардан келган шу мазмундаги хатта Октябрь район ошхоналар трестидан қўйиладиган жавоб олдин:

«Хат 20 — ошхона ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинган ва хатда кўрсатилган фактлар тўғри деб топилган. Овқатларнинг сифати яхшиланган. Нархи қайта кўриб чиқилган. Жумладан, бир стакан компот 6 тиинига туширилган. Хўрандалар учун қўлай шартин яратилган. Ошхона ховлига қўйрилиб, соғлом ўрнатилган. Кадрлар қайтадан кўриб чиқилиб, таърибали ошпазлар билан таъминланган. Озодалликка алоҳида эътибор берилмоқда».

### Танбехини еди

«Ташавтомаш—Навоий театри» маршрутида қатnayилган 1-автобуснинг кондуктори Васильевнинг пассажирлар билан қўпоқ муомалада бўлаётгани, пулга яраша билет бермаётгани ҳақида редакцияга бир хат келган эди. Мазкур хат 1-автобуслар парки ходимлари ўртасида муҳокама қилинган. Васильевга ўз айбини бўйича олган. Унга қатъий ғиновор эълон қилинган.

Бу жавобни редакцияга шаҳар автотрести бошқарувчисининг ўринбосари В. Кришнберг йўллаган.

### „Ним тўғри жавоб берар экан?“

Шу сарлавҳа билан редакцияга келган бир хатда 1-«Оҳангарон» совхозининг «Тўт» участкасида яшовчи 230 хўжалик ҳақида электр нуридан баҳраманд бўлмаётгани, натижада улар кино, телевизор кўришдан ҳамда электр асбобларидан фойдаланиш дани маҳрум бўлаётганликлари ҳақида хабар қилинган эди. Редакция мазкур хатни текшириб, зарур тадбирлар қоралар қўришни сўраб, Ўрта Чирчиқ район иттиҳона комитетига юборган эди. Район иттиҳона комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Э. Гайназаровнинг редакцияга хабар қилишича, участка аҳолисини электр билан таъминлаш учун барча тадбирлар амалга оширилган. Яқин кўп ичда хўжаликлар уйда Илчи чирчи нур сочади.

Шўх Чирчиқ дарёсининг ҳаёбахш суви бир неча асрлардан бери Чорвоқ жарининг харсонли қўйларини ўпиб оқарди. Эндилкида у ўзанини ўзгартирмоқда. Забардаст биланлик совет кишилари асов дараёни йўлини тўсиб, уни Чотқўқ тоғлари тагида қўрилган тоғиелар оқишга мажбур қилдилар. Шунга эришиш учун кўпчиликнинг қўли буюкорлар билан моитажчилар коллективни бир неча йилдан бери фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Дарёнинг аски ўзанини бўғиш учун ҳар бири ўн тонна икки монолог бетон тошларидан юзлаб келтирилди, бу ерга. Улар бирин-кетин Чирчиқ дарёсига ташланмоқда. Дарёнинг ўзани тобора ториқиб бормоқда. Уни тўла бўғиш учун бошқа таъйинларнинг ишлари деярли тугалланди. Бу ишда юзлаб буюкорлар намуна кўрсатиб меҳнат қилдилар. Бетончилардан В. Харченко, В. Власов, М. Мирзахмудов, бурғичилардан А. Набиев, Ж. Зонтов, Р. Париевлар, А. Пеганов, А. Гиблер ўртоқлар раҳбарлигидаги комплекс бригада аъзолари

шулар жумласидандир. Улар юнбозлик ва қаҳрамонлик кўрсатдилар ҳақиқатдан ҳам. Муттасил тез ва соз ишлашди. Хар қандай мураккаб ва машаққатли тошйиринларни ҳам ўрнига қўйиб бажаришди. Ўзларининг намуналий меҳнатлари билан коллектив ўртасида катта озу орттиришди.

Бутун коллективнинг куч-гайрати шўх Чирчининг асрлар давомидида йўлини аниқ ва мустаҳкам тўсишга қаратилган. Бунинг учун махсус штаб тузилди. Штаб аъзолари бир неча ойдан бери дарё йўлини муваффақиятли тўсишни таъминлаш учун зарур бўлган чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бормоқда. Айниқса, ишнинг пухта бўлишига эришишга ҳаракат қилмоқда.

Чорвоқ гидроузели қурилишида бетон асослари мустаҳкам, аҳил ва йиқ қўлнинг ишчилик коллектив қамол топди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, жуда кўп қурилиш объектларидан бу ерга мутахассислар, бутун-бутун бригадалар айрим-айрим қол-

лективлар келишди. Маҳаллий аҳоли орасидан ҳам жуда кўп киши қурувчилар коллективини сағина қўшилди. Уларнинг ҳаммаси республикамизда иқтисодий ҳаётда илғимчиликни тарғиблашнинг қўлиш ҳўжалигининг тарғибий эътиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлган гидроузели қурилишига муносиб ҳисса қўлиш нияти билан меҳнат қилишмоқда.

Бутун шу кўпчиликнинг коллективнинг бир неча йил давомидида олиб борган фидокорона меҳнатига дастлабки якуни ясалади — шўх Чирчиқ дарёсининг ўзани ўзгартирилди. Ўйлашимиз, бу муваффақият-

ли ўтади. Бундан кейин эса буюкор ва монтажчилар бажариш ишлар қўламини янада кенгайтириш. Улар Чорвоқ гидроузелининг қўлиш тўрақини таъминлаш учун янги куч, янги гайрат билан кураш бошлайдилар. Бу олиқалоқ, олиқўймак кўрашда уларга муваффақиятлар тилайми.

Сўрагларда: Чирчиқ дарёси бўғилганидан жой (юқорида), оғова тоннел қурилишида фидокорона меҳнат қилган проҳончилардан Ражаб Тоғоев, Темур Хакимов, Николай Чернышев ўртоқлар.

В. Сироткин фотолари.

# СОВЕТ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

асос қилиб олиш керак? Айтишда, бунда асосий нарсаси босиб чиқаришга сатрлар миздориди, радио эшитишнинг соатларида ва хатто нафларининг тиражларида ҳам бўлмаса керак. Биз партия идеяларини газетхонларимиз, томошабинларимиз ва эшитувчиларимизнинг олганга қай даражада муваффақиятли сингирини бормоқдамиз, кишиларнинг юрак ва қалбидан нечоғик қўқув жой олмақдамиз, илминини барпо этиш, янгиликка муносиб кишилар бўлишда уларга қандай ёрдам бермоқдамиз, — асосий нарсаси шундир.

Биз мамлакатимизнинг қудратли оқимларидан қувонганимиз ҳолда, ўзимизни қўраб турган дунёни эслан чиқара олмаимиз, урушқон антикоммунистлар «психологик уруш» отишмалари билангина эмас, балки Вьетнам бомбардировка қилаётганликлари билан ҳам ўзларини доим аста тушириб турганликлари сабабга биз бу тавқи дунёни учта олмаимиз. Вьетнам ҳозирги кунда бизни қайғуртирмоқда, бутун гапимиз Вьетнам тўғрисида бўлмоқда. Америка империализми эрксевар халқга қарши қўчайтириб юборган «разил уруш» бошланган чоқдақон совет журналистлари америкалик элитларнинг жиноятларини тинмай қўқ қилиб келмоқдалар. Биз Вьетнам халқининг муқаддас галаба қозонишга ишонамиз!

Бундан кўп йил муқаддам, бизнинг журналистикамиз биринчи қадимларни қўйган вақтда В. И. Ленин шундай ажойиб сўзларни айтган эди: «Душманларимиз агитация ва пропаганда билан бизни тарғиблашга ажойиб ишлар қилинаётганини гапирган ва эътибор қилган эканлар, бунга... бу агитацияда

бўлган ҳақиқат ҳаммаини қилди, сўнгиб бори, деб тушуинмоқ керак. Демак, бу ҳақиқатдан қочиб бўлмайдим».

Турмуш ҳақиқати, партиявий принципналик совет журналистларига иқидий илҳом беришида манба бўлиб келди ва шундай манба бўлиб қолаверди. Биз ҳозирги кунда ўз муваффақиятларимиз ҳақида гапирар эканмиз, бу муваффақиятларнинг ҳар бири Ленин ваиятларига садоқат, ҳақиқатга садоқат мўъжизасидир.

Ҳозирги вақтда СССРда 7.700 дан ортиқ газета ва қариб 4 минг журнал нашр этилмоқда. Бу йил газета ва журналларнинг бир қишдаги тиражи 218 миллион нусхадан ошиб кетди.

Биз тўла ишонч билан айта оламизки, мўъжизатимизда партиянинг доимий эътибор ва гап-хўраги тўғрисида журналистларнинг кўп сонли отряди вужудга келди. Бу отряд ўз халқига астойдил ва садоқат билан хизмат қилаёттир.

Биз совет матбуоти кадрлари тўғрисида гапирар эканмиз, деб сўзига давом эттирдик докладчи, бу матбуотнинг қудратли манбаларини, янги дуб матбуотини буржуа матбуотидан тўдан ажратиб тугган нарсаларини эслаш тўғрисида керак. Мен бунда халқ оmmasини матбуот ва радио ишида актив қатнашайотганлигини, редакцияларнинг кўп сонли жамоатчилик активини, ишчи-деҳқон муҳбирлари ҳаракатини назарда тутаман.

Партия ва давлат ишлари ленинча нормаларининг тикланиши, шахсга сўнгиш зарарли оқибатларининг тугатилиши, қо-

нутчиликнинг тикланиши, давлат ва жамоат ташкилотларининг ишда демократик асосларини янада ривожлантирилиши, кейинги вақтларда эса, субъективизмининг танқид қилиниши ва шу муносабат билан партиянинг бутун қурилиш ишини илмий асосда олиб бормоқ учун турмуш ҳодисаларига реалистик ёндашишнинг мустаҳкам заминига ўтишни талаб қилганлиги, — буларнинг ҳаммаси жамятининг бутун ҳаётига ва жамятининг таъсир кўрсатди. Партия матбуот, радио, телевидение ходимларининг янги талабларни тушуниб, ҳаётдаги ўзгаришларни кўч олишларига ва шу ўзгаришлар билан ёнма-ён боришларига ёрдам берди.

Докладчи сўзини давом эттириб бундай деди: Совет матбуоти, радио ва телевидениедаги илмий ўзгаришлар ҳақида гапирганимизда, аввало, газетхон ва тингловчилар билан суҳбатчи таъининг шакли ўзгаришларини таъкидлаб ўтишни истайман. Бунда қасамхўрлик ва шовқин-суронлар, ҳақиқат маълум ҳақиқатларни қайта-қайта чайнай бериш, ҳаммаини жонига тегадиган насихаттуғили, сарфасат-бозили барҳам қилиб, вазиблик, сидикдалилик билан, амалий тарзда талашини йўлга ўтказмоқда.

Аммо вазиблик ва амалий тарзда талашини тарафдор бўлганимиз ҳолда, фактларни безавқ қайд қила беришга ва юзакчиликка қарши чиқамиз. Бизнинг халқимиз коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларига эришган муваффақият ва ютуқлардан ҳеч тортишмай қўлоқиниш ва фахрланишимиз керак. Биз алоқатчилик, нуқсондорлар, ҳаётимизнинг хиратомонларидан ҳавфсизламиз.

уларни ахтирос билан дош қилишимиз керак. Аммо, ўртоқлардан хурсандчилиги хотириниқликка олиб келмаслиги лозим. Камчиликларга нисбатан қаҳр-забонимиз ҳам четдан ғомоша қилиб турувчининг ингилистик жиртқилигига айланмаслиги керак.

Газеталаримизнинг, информатсия агентликлариимизнинг, радиомизнинг ходимлари — барча совет журналистлари идеология қурашда техника революциясининг натижаси бўлган янги шароит ва янги имкониятларни аниқ равшан тасаввур этишлари ва бундан зарур хулосаларни чиқариб олишлари керак. Биз жаҳонда қандай воқеалар бўлаётганлиги тўғрисида совет жамоатчилигини хабардор қилиш соҳасидаги ваифаларимизга янгила қарашимиз, бу ишни янча ахши йўлга қўйишимиз керак. Марказий газеталар, информатсия агентликлари, радио, телевидение энг муҳим ички ва халқаро воқеалар тўғрисида совет ва чет эл газеталарига ҳаммаи ҳам ўз вақтида хабар бериб турибдилар, деб бўлмайди. Улар ахборотнинг оператив тарзда бўлиш кераклигига етарли баҳо бермаётдилар.

Биз халқаро воқеаларини ёритишга илчиллик билан, қиналмаган илмий асосда ёндашиш, мағризаларнинг пухта ва оммабон қилиб берилишига эришиш билан бирга, ҳозирги кундаги идеология қурашнинг асосий шартларидан бири бўлган нардини — максимал даражада оператив иш қилиш кераклигини ҳаммаи асда тушушимиз керак. Докладчи 43 мингдан кўпроқ аъзони бораптирган СССР Журналистлар союзининг фаолиятини батафсил таҳлил этиди.

СССР Журналистлар союзини ҳозирги кунда ўз озолиги ва мустақиллиги учун, Америка империализмининг жиний агрессиясига қарши қаҳармона кураш олиб бораётган Вьетнам халқларини актив қўллаб-қувватлашнинг ўзининг энг биринчи интернационал бурчи деб билди.

Совет журналистлари Халқаро журналистлар ташкилотининг аъзоси бўлган бошқа миллий союзлар билан биргаликда чет элларнинг прогрессив эътиқодлари учун репрессия ва таъқиб қилинган журналистларини қўллаб-қувватламоқдалар.

